





“ЭНГ УЛУФ ВА ЭНГ АЗИЗ” ТАНЛОВИГА

Шов-шув бўлган мақола, нутқ ё суҳбатларни ўқиб давомида энг зарур нуқталарнинг тагида чизиб борадиган одатим бор. Мамлакатимиз Президентини Исмоил Каримовнинг “Тафаккур” журна-ли бош муҳаррири саволларига жа-вобини шундай бир қизиқиш, жо-зибали тортиб билан ўқиб, сатрлар-га шундай сингиб кетибман-ки: кей-ин қарасам, саҳифадаги ҳамма сўзларнинг тагида бошдан-оёқ чи-зиб чиқибман. Кундузи билан ана шу тўлқин баҳрида бўлдим. Ҳаёлим-га нималар келиб, нималар кетма-ди. Ҳаёлимизга келиб, нималар кетма-ди. Ҳаёлимизга келиб, нималар кетма-ди. Ҳаёлимизга келиб, нималар кетма-ди.

Юрак сенсан ишқибозим. Сенга тор келди бу кўкрак. Сенингинг тошди қирғоқдан Тилим чарчар ажаб гоҳи Сени тарҳима қилоқдан. Сен, эй, сен ўйноқи дилбар. Зафардан изла ёрингни. Тулиб қайна, тошиб ўйна. Тирисман қуйла, борингни. Итоат эт. Агар сендан Ватан рози эмас бўлса, Ери, чақмоққа айлан сен, Ери, майли, тамом ўсам!

га насиб этаётган кунларни Тожихон Шодиева кўрмади. Мўътабар оначо-нимизни таниган, у билан кўп суҳбат-лашган, дардлашган, аламли хотира-ларини эшитган қаламқаш сифатида юрагим ачилади: шунча яшаган яна 8 йил яшаганда мустақилликни қўриб, юрагимда тугун ечилган, ўзи билан бирга олиб кетган хавотирликдан қу-тилиб у дунёга оёғини узатиб бемалол кетарди. Биламан, бу ёруғ кунларни кўрганда у йилларди, очкичасига ҳеч кимдан яширмай йилларди. У боласи-ни йўқотиб қўйиб, узоқ зорланиб қидириб, охири топиб олган онадай эркин кўчоқлаб йиллар эди. О, муста-қиллик, сен унинг тушларига қирдин-динг. Сени тушда у кўрганда яшариб кетарди. Сени жондан ортиқ кўради. Йўқ, йўқ, у сенга етиб келолмади, минг афсус, етиб келолмади. Ахир ўзим ҳам ҳар қадамда бошим тошга урилиб, не-не надоматлар, не-не олов қаъридан ўтиб, Сента етиб келганман, эй, Мустақилликим! Не-не кўргилди-ларни кўрганганимни айтдим.

Шеър ҳолос-ку, — деб фиғони фалак-ка кўтарилди. — Расул Ҳамзатовнинг “Юксак юлдузлар” номли китобида она тилига аталган шеър бор. Унинг олдида “Улама даракх” ҳеч гап эмас. Олимларнинг ижобий хатини, Ра-сул Ҳамзатовнинг китобини кўтариб Абдусамал Маҳмудовга учрадим. У хат-га, кейин Расул Ҳамзатовнинг “Она тилимга” деган шеърини кўз югуртир-ди: — Шу ерда тур, иккинчига кўрсата-ман, — деб шошилганича чиқиб кет-ди. Александр Фадеевич Гаврилов улуг шоирнинг шеърини ўқиб, Абдусамал Маҳмудов билан бирга биринчинг олди-га киришди. Абдусамал Маҳму-дов хонасига қайтиб: — Биринчи Расул Ҳамзатовни ҳам муҳокама қилиш керак дейпти, — деди. Ана, лақма олимларнинг ёзган хати ҳам икки пул. Душанбани кут, кейин мол боқасанми, ер чопасанми, ўзинг биласан. Ҳозир бушсан!

дний асарлар билан шуғулланиш ме-нинг зиммамда эканлиги ва ҳоказолар-ни айтиб, ўзларини ҳимоя қилиш йули-ни тутишди. Аслида ҳам шундай: асо-сий сабабчи менинг ўзим! Бир буйро азсоси шеър муаллифи бўлган Қирғи-зистоннинг Ўш шаҳрида яшайдиган Талъат Солиев (илоё, жойлари жан-натда бўлсин) билан қачондан бери қадрдонлигини қайта-қайта суриш-тирган эди. Буйрода ҳам у яна бошқа-лардан илгари: — Шеър муаллифи билан қандай та-нишлигини бор? — деб сўради. — Уни танимайман, умримда кўрма-ганман, — дедим. — Шеър Ўзбекис-тонда ўтадиган Қирғизистон адабиёти ва санъати кунлари муносабати билан келган. Буйро аззоларининг саволларига тиззаларим қалтираб жавоб қайтарар-дим. Муҳокама қизиб турган пайтда Пушкар: — Автор билан охириги марта қачон учрашгансан? — деб яна саволга тул-ди. — Уни ҳеч қачон кўрмаганман де-дим-ку! — Кўргансан! — деди у муштини уйнатиб, — водийда ёшларнинг яши-рин миллий ҳаракати борлиги ҳақида маълумотта эгамиз, — деди у дарғазаб-лик билан менга бурнини жийриб қараб, — шеърни Йўлдош Сулаймон-нинг ўзи уюштирган. Уни қўлаб-қув-ватлайдиганлар йўқ эмас. Анови олим-лар эса, шоирнинг хавфли даъватини таҳлил этиш ўрнига бу ярамаснинг шахсияти билан ижодини кўкка кўта-ришди. Биз уни ўша сиёсий савод-сиз олимлардан кўра кўпроқ биламиз. Йўлдош Сулаймоннинг боболари бой ва дин арбоблари бўлган. Отасининг амакиси Эромухаммад Тусмухаммад хожи ўғли Қозоғистоннинг Сайрамада имом бўлган. 1937 йили қўлга олиниб, отиб ташланган. Бу йигит ўша халқ душманларининг думи. Яширин мил-лий ҳаракатнинг ташкилотчиларидан. Ҳақиқий коммунист бўлганда шундай расво шеърнинг босилишига йўл кўяр-миди?! 30-йилларда бундайлар сўроқ қилинмасдан отилган. Ушга хат юбор-дик. Шеър муаллифи қамоққа олина-ди.



Йўлдош СУЛАЙМОН

Америка, Англия, Франциядаги, бо-ринг-ки, бизнинг мамлакатимиздан бошқа ҳамма мамлакатлардаги тен-гсизлик, очарчилик, бахтсизлик ҳақида шундай суҳбат ўтказишар эди-ки, рост гап, хийла катта бўлиб қолганимда ҳам чет элларда яшаёт-ган одамларга, айниқса, болаларга жуда-жуда ачинар эдим. Эй, менинг бегубор, аммо ёлгонлар бағрида ўтган болалигим, ёлгонга ишон-ган болалигим. Ё чиндан СССРда миллатлар теппа-тенг ҳуқуқлими, озодами, ўз эркимиз ўзимизнинг қўлимиздами, виждону эътиборимиз ихтиёримиз?! Сўзимиз эркинми?! Қоғозда бўлак, амалда акси! Қан-дай юзсизлик, қандай бахтилик эди бу?! Лазнат бундай сохта тенглик-ка, бундай сохта эркинликка?! Ичимдаги аланга пасайиш ўрнига қўтарилиб борди. Ёлгонлар, ёлгон-лар, ёлгонлар! Наҳотки, ана шу ёлгонлар ичида яшапман!

Худди ўша кунлари Самарқанд сафарига бўлиш насиб этиб, кўпчи-лик билан “Гури Амир”га кирга-нимда: — Мана бу соҳибқироннинг қа-б-рлари, — деб кўрсатишганда ўзим-ни тутолмадим. ҳамроҳларим йи-гимни ҳар хил мазмунга йўйишди. Улар нима деб қулишса, қулишди. Лекин мен сабабини айтолмадим. Айтсам — шу ернинг ўзида маса-лам ҳал бўлади, Фарғонага ҳам қай-толмайман, хонинга айланман-қоламан. Қўйиб беришса, ё ҳеч ким бўлмаса, улуг бобомиз бошида ту-риб, фарёд кўтарсам! Юртимиз эзишга илож тополмадим.

Шўро замони, ўша му-қунларим ёдимга тушиб қалтираб кетдим. Ўша вақтда Аб-дурауф Фитратдай бобомизнинг но-мини эшитмаган эдим. Уни билга-нимда, ундан куч олганимда, ўттиз ёшлиқ қирчиллама пайтимда қон босими касалига йўлиқмаган бўлар эдим. Ўшанда бир йилдан кейин ҳисоб дафтарчамга ёзилган қаттиқ оғоҳлантириш олиб ташланди. Ишга бўлим мудури эмас, катта хо-дим бўлиб қайта тикландим. Қуло-ғимнинг чийиллаши эса, икки йил ўтгандан кейин тийилди. Шунча хунрезликдан кейин ҳам эҳтиёткор бўлмоладим. Замонсозликка идро-ким етмаганими — аниқ айтолмай-ман, бошимда яна бир неча бор калтак синди. Туртинчи —сурти-нишлар вақтинми бадий ижодга қаттиқроқ боғланди. Хотиржам кун-ларимдаги офтобларимни булутли онларда тополмаганимда ун-ўнлаб шеър битиб, дил ёздим.

1991 йил 1 сентябрь — ёруғлик-ни кўришдан баҳраманд бўлман-ган улуг болаларнинг фарёди арши-азлоға етган, мен дунёга қайта кел-ган, ич-ичим чарогон бўлган, су-рату сийратимиз тобеълик губорин-дан тазаланган, кўёшимиз қулиб чиққан кун! Ва ниҳоят у келди. Ўша муборак кунда ҳамма кўчани турган, бир-бирини қутлаган, яйраган, яшаган...

Бугун унинг етти ёшига тўлади-ган қулғуғ кунини ҳаяжон билан санаб, ҳар биримиз ўз армуғони-мизни тайёрлаётган дамларимизда “Шўро” деган балои —қазо таъси-ридан ҳамон қутулмаганларнинг онда-сонда бўлса ҳам уқраб қоли-шининг сабаби нима? Бу — баъзи кўрнамаларнинг эътиборсиз қол-диридан бушқиларини эгаллашга ури-нишлари эмасми?! Нега бўшлиқ бўлишига йўл қўямиз? Нега кўздан қочирамиз. Жону жаҳонимиз бўлган мустақиллигимиз “ғояга қарши фа-қат гоё, фикрга фақат фикр, жаҳо-латга қарши фақат маърифат бил-дан баҳсга киришни, олиш” нм-кониятидан тўлиқ фойдаланишни, хушёрликдан хиёл бўлса-да, чагги-масликни қутяпти.

Жон-жоним, истиқлолим. Дун-ёга оқ тутаётган она —Ватанимсан, дилишпаган байроғимсан, тербим-сан, инсонлик ҳуқуқимсан, мадҳи-ямсан. Сен менинг ўзимсан, отам-сан, онамсан, кўзимнинг оқу қаро-сан! Йўқ бўлсанг йўқман, бор бўлсанг борман! Ўзбек йигитини сен уридан қўзғатдинг, давлатимиз-ни сен буюклар қаторига қўшаганга қайта ўтирмайдиган қилиб қўзғат-динг!

Хозир ўша муҳиш кунларимдан биттаси ҳақида, фақат биттаси ҳақида сўзлагим келяпти. Фарғона ви-лояти газетасида бўлим мудури бўлиб ишлар эдим. Ушанда газетамизнинг 1969 йил 9-сентябрь сонидига “Улама даракх” сарлавҳали шеър тўғрисида миллатчи сифатида қамалишимга бир



бахя қолган. Менинг кўрсатим билан босилган маъкур шеърнинг қисқа ма-змуни шуки, қаердадир бир одамнинг касал юрагини олиб, ўрнига бошқа ки-шининг соғлом юрагини қўйишни, бемор эсон-омон яшайётган ҳақидаги хабарни ҳайратланиб ҳикоя қилган му-аллиф “агар тилим касаликка учраса, унинг ўрнига ўзганинг тилини қўйди-ган бўлсалар, йўқ-йўқ, бундан ўлган-гани яхши, деб наъра тортади. “Ку-чим борича, ўз тилим учун кураша-ман” мазмунидаги аҳдини ошкор эта-ди. Нима учун ўз тили учун кураша-ди? Бу миллатчиликнинг ўзи эмасми?! Рус тилига қарши кўтарилган исён бу! Бундай қора ният билан берилган қитмир саволларнинг, совуқ хитоблар-нинг соҳиблари кошки ўшанда гапга тушунингса? Чакир-чакир бошланди. Вилюят партия кўмитасининг мафку-ра буйича қотиби Абдусамал Маҳму-дов (илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин) асабий ҳолатда: — Москвадан Андропов Тожкентга “Фарғонада нима гап” деб телефон қилибди. Ҳаммамининг ўлдиринг бола, — деди, — энди ўзингни ўзинг ҳимоя қил! Бугун пайшанба, билдингми, ду-шанба кунин бу масала кўрилади. Қа-маб қўйишлари ҳам мумкин.

— Келганинг Адҳам айтди. — Адҳам ака ҳам келибдими? — деб жовдираб сўрадим Саид Аҳмад акадан. — Йўқ, кўнгироқ қилди. Ҳамма гап-шининг соғлом юрагини қўйишни, бемор эсон-омон яшайётган ҳақидаги хабарни ҳайратланиб ҳикоя қилган му-аллиф “агар тилим касаликка учраса, унинг ўрнига ўзганинг тилини қўйди-ган бўлсалар, йўқ-йўқ, бундан ўлган-гани яхши, деб наъра тортади. “Ку-чим борича, ўз тилим учун кураша-ман” мазмунидаги аҳдини ошкор эта-ди. Нима учун ўз тили учун кураша-ди? Бу миллатчиликнинг ўзи эмасми?! Рус тилига қарши кўтарилган исён бу! Бундай қора ният билан берилган қитмир саволларнинг, совуқ хитоблар-нинг соҳиблари кошки ўшанда гапга тушунингса? Чакир-чакир бошланди. Вилюят партия кўмитасининг мафку-ра буйича қотиби Абдусамал Маҳму-дов (илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин) асабий ҳолатда: — Москвадан Андропов Тожкентга “Фарғонада нима гап” деб телефон қилибди. Ҳаммамининг ўлдиринг бола, — деди, — энди ўзингни ўзинг ҳимоя қил! Бугун пайшанба, билдингми, ду-шанба кунин бу масала кўрилади. Қа-маб қўйишлари ҳам мумкин.

Титраб кетдим. Учга тўғадим нима бўлади? У етди онам ва тўртга укам-нинг умиди ҳам мен. Наҳотки, пешо-намага “халқ душмани” деган қора та-мгани босиш ҳаракати кетаётган бўлса?! У ёққа чопдим, бу ёққа чоп-дим. Ҳеч қаерда наҳот ҳам, ҳеч қаер-да узатилган меҳрибон қўл ҳам йўқ. Институтимиз ректори, устоз Фани-жон Абдурахмонов Ўзбекистон Фан-лар Академиясининг муҳбир аъзоси бўлиб сайланган эди. У кишидан мени ҳимоя қилишларини сўрадим. Фани-жон ака шеърини ўқиб: — Бунда ҳеч қандай миллатчилик йўқ. Ҳар бир тил ўзини бойитиш ва яшашини учун курашиш керак, — деб таскин бердилар, танқидчи-адабиётшу-носиларни чакиртирдилар. Мувайсид муаллим раҳматли Акрамжон Ибро-ҳимов шеърга кўз югуртириб чиқиб: — Уларнинг ҳақиқи беододлик-ку, ахир бу оддийгина истак ифодаланган

Саволларнинг жавобларини кўздан қайта-қайта ўтказаман, “Шўро” даврининг мафкуриси, комму-нистик дунёқароши, агарки асли-нини суриштирсангиз, моҳият этги-борига кўра, бизнинг турмуш тар-зимизга, халқимиз табиатида тамо-ман бегона эди, — деди Президентимиз. — Шунга қарамасдан, киши-ларнинг онига мажбуран сингди-рилган бу сохта таълимнинг сал-бий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳали буткул халос бўла олганимиз йўқ”. Нега шундай бўлаяпти? Ҳаёт ниҳо-ятда тез шиддат билан ўзгараётган, истиқлолимиз бўйи-баста қутилган-дан зиёда кўтарилиб бораётган, ду-нёни ҳайратга солаётган, хотиржам яшаш бахтига муюссар бўлган до-нишманд халқимиз буюклик сари дадил одимлаган бир пайтда буни ҳис этмаган, буни англамаган, онги ва қалби ҳали ҳам уйғонмаган ким ўзи?! Наҳотки, у бизнинг ватандо-шимиз бўлса?! Бутун халқимиз, ай-ниқса, оддий ишчи, оддий деҳқон, дили тоза зиёли бундайларни ала-қачон шайтони лайинга чиқариб қўйгани бежизми?! Яқин ўтмишда-ги аламу армонимиз нима эди? Буни ўйламаслик, истиқлолимизни кўрол-маётганларга лоқайд қараш инсо-фсизлик эмасми?! Кечаги кунни ким унутади?! Бугунги кунга етолмай, унга риққи қўшилмай, юраги эзи-либ, юраги ич-ичдан сизилиб, яшаб яшагандай бўлмаган кишиларнинг фариб ниҳоти, аянчли қисматлари, кўзларининг гавҳарига яширинган нидалари ҳозир ҳаёлимдан ўятпти.

Шу топда Ўзбекистонда машҳур аёл, республика хотин-қизлари раҳбари даражасига кўтарилган, “Са-одат” (илгариги номи “Ўзбекистон хотин-қизлари”) журналининг би-ринчи муҳаррири бўлган Тожихон Шодиева кўзимга беихтиёр кўри-ниб кетди. Ақлу идрокдан, ўткир сўзи ва кўздан, тенгсиз чироидан, бил-лими ва элга фидойилигидан ҳайқ-қан Шўро малайлари 1937 йилнинг кеч қузида ярим кечадан ўтган пай-тда уйига бехос бостириб кириб, қўлларини савол-жавобсиз кишан-лаганлар. Бўйдор-бўйдор уч йигит кириб, уялмай-нетмай ҳибсага олиб, тўпичча ўқталиб, уни уч ёнидан ўраб, имо билан ташқарига олиб чиқдилар. У сўроқсиз қамоқлардан қамоқларга кўчарилиб ва охири энг хавфли жиноятчилик сақланадиган Магаданнинг бераҳм соқчилари қўлга тушган. Наҳотки, элини сев-ган, ўз миллий шаъни-шухрати, Ва-тан учун жон фидо этиб, манглай терини тўқаётган кишилар миллат-чиликда, хоилликда айбланса, на-ҳотки, шундай доворлар оёқлар ос-тида эзилган!

Одамийлик шабадаси хиё-лий элгани сезилган, алла-қачон музга айланган юраклар ичи-да умид учкунлари йилтираб, энди-энди кўзларда акс эта бошлаган 1956 йили Тожихон Шодиева Мага-дандан Фарғонага қайтди. У боши-дан кечирган қора кунлар ҳақида даярли гапирмас, баъзан Фарғона кўчаларини атайин кезиб, ёшлиги ўтган кўчалар билан хаёлда гапла-шади. Фарғонажон, жоним Фар-ғона, мана, риққим бор экан, юз-юз мингаларга ўлим чангали бўлган ўша Магадан қаъридан сенинг ба-ғринга етиб келдим. — Тожихон опа Фарғонага соғинч билан қарар, ёши бир жойга бориб қолган, қамоқ аобларидан тугдай тўкилиб турган бўлса ҳам ўзини бардам тутишга уринарди.

— У ерда қанча-қанча кишилар отиб ташланганини, совуқда қо-ғонларни, соқчи таъғидан боши қи-рилиб ўлганларни ўз кўзим билан кўрдим. О, жону жоним Ўзбекис-тон, Усмонинг кўз олдидан кет-майдими. Кўчаларидан, қишлоқлари-дан, боғларидан, тоғларидан, да-лақо даштарлардан, каттаининг ҳам, кичикининг ҳам ниҳонларидан инсо-ни авайлаш, инсонини сениш ва ар-доқлаш ҳисси балкиб турадиган Фар-ғонажоним, муҳаббатни дунёни ўртантирган Усмонингни, йигирма тўрт ёшида шоирлар шоири дара-жасига кўтарилган ўша Усмон Но-сирийнинг, ўйлайманки, унутмаган-сан, ҳа, ҳеч-ҳеч унутмаган!

Юрак сенсан менинг созим. Тилимни найза жўр этдинг. Кўзимни оёга беркитдинг.

ОЛТИН МЕРОС

ЎЗБЕКИСТОН ДОСТОНЛАРИ ДУНЁ КЕЗАДИ

Филология фанлари доктори, профессор Малик МУРОДОВ билан мулоқот

— Домла, халқ оғзаки ижоди бир хазина эканким, ундан ҳаммиша авлодлар баҳраман бўлиб келган. Халқимизнинг санъат дурдонаси билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.



га оширишяпти?

— Халқимизнинг буюк эпоси «Алпомиш» ҳақидаги республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори қадриятларимиз, урф-одатларимиз, расм-русумларимиз, руҳий кечинмаларимиз, тарихимиз, маънавиятимиз, матрифатимизни юксалтиришда беқийс аҳамиятга эга. Фольклоршунос олимлар томонидан «Алпомиш» изинда халқаро илмий экспедиция уюштирилди, экспедициянинг бошқа экспедициялардан фарқи шундаки, унинг йўналишларида жамоатчилик асосида ва ҳаражатлари қатнашчиларнинг шахсий ҳисобидан. Яъни, фидойий фольклоршунослар эгуишга қўл урдилар. Шу муносабат билан республикамиз вилоятларида, қишлоқларда, овуларда бўлиб эл суйган бахшларни топиб, достоннинг янги вариантларини ёзиб олаётимиз. Яқинда фольклоршунос олим Абдуолим Эргашев ҳамроҳлигида қашқадарёлик ва сурхондарёлик бахшчилар хузурида бўлди.

Қаҳор бахши Қодир ўғайдан «Бева Барчин ёки Барчинбека» достонини, Қора бахши Умир ўғайдан «Алпомиш», «Ёдгорнинг уйланиши», «Шо-мурод» достонларини, Чори бахши Умир ўғайдан эса «Ёдгорбек» достонини ёзиб олдик. Бундан ташқари Туркиянинг Анқара нашриётида юртдошимиз, таниқли шоир ва журналист Носир Муҳаммад билан ҳамкорликда беш томлик «Алпомиш» достонини турк ва ўзбек тилларида чоп этишга тайёрладик. Унга достоннинг Фовил Йўлдош ўғли варианты асос қилиб олинган.

— Демак, ўзбек достонларини хорижий адабиёт ихлосмандлари ҳам ўқишаркан-да...

— Албатта. Истиқлол шарофати тўғрисида Ўзбекистонимизни жаҳон тан олди. Жумладан, адабиётимиз, санъатимиз учун ҳам дунё эшикларини очилди. Американинг Чикаго шаҳридаги Россия, Молдавия, Македония, Тоголи Олтой, Бессарабия, Туркия, Венгрия, Марказий Осиё давлатларидаги нашриётларда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари, бу борадаги илмий адабиётлар чоп этилди. Ўзбек халқ достонлари, ривоятлар, матал ва мақоллар мутахассислар томонидан бошқа тилларга таржима қилинапти. Ўз навбатида жаҳон адабиёти дурдоналари ўзбек тилига ўтирилмақда.

Абдулла АЙИЗОВ суҳбатлашди.



ЎЗБЕКРАҚС БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

Сирдарё вилоятида «Ўзбекрақс» бирлашмаси бўлими очилди. Унинг тақдироти Янгиер шаҳри уйингоҳида бўлиб ўтди.

— Давлатимиз раҳбари миллий маънавиятимиз, санъатимиз равнақига катта эътибор бермоқда, — деди маросимда сўзга чиққан «Ўзбекрақс» бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исмаилова. — Сирдарёда миллий рақс бўлими ташкил этилиши ҳам ана шу ғамхўрлик натижасидир.

Тақдирот маросими таниқли санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

«Дуппи тикдим, ипақлари тинглаганимизда кўз ўнгимизда игна тутган чеварлар жонланади. Дарҳақиқат, оппоқ матога кўз нури ила меҳрини тўкиб сўзана-ю, дўппилар тикар экан, олдий ипақнинг тилдога айланганининг гувоҳи бўласиз.

Самарқанд шаҳридаги «Мерос» халқ унавармандчилиги ассоциацияси уз атрофига юзлаб ана шундай чеварлар қўли гул усталарни бирлаштирган. Шундан бири Шоирахон Ғаниевадир. У тайёрлаган маҳсулотлар ўзининг харидорчилиги билан ажралиб туради. Шу сабаб ҳам Шоира «Ташаббус» кўрик-танловда голиблар сифидан ўрин олди.

СУРАТДА: чевар Шоира Ғаниева. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ТАРИХЧИ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институтининг Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича тарихшунос олимлар олдига турган вазифаларга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Унда тегишли вазирликлар, Фанлар академияси, мазкур академиянинг ижтимоий фанлар бўйича институти, вилоятлардаги тадқиқотлар марказлари раҳбарлари, тарихчи олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Кенгашнинг Фанлар академиясининг президенти Т. Жураев очди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ўзбек давлатчилигининг ҳаққоний тарихини яратиш масалаларига катта аҳамият бермоқда. Ҳукуматимизнинг юқорида номи зикр этилган қарори ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Зеро, тарих халқимиз маънавиятини юксалтириш, неча минг йиллик миллий қадриятларимизни қайта тиклаш манбаидир. Бугунги кунда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш, етук тарихчилар мактабини барпо этиш, халқимиз, айниқса ёшларда тарихий

хотира туйғусини тарбиялаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис, юксак маънавият кадрлари тайёрлаш, тарихий билимларни кенг ёйиш, бу борада илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, турли адабиётлар яратиш Фанлар академияси Тарих институти фаолиятининг асосий йўналиши бўлмоғи лозим.

Кенгашда Тарих институтининг янги таркиби устивор илмий йўналишлари ва уларни амалга ошириш тадбирлари, тарихий тадқиқотларни ривожлантириш концепцияси ва Ўзбекистонда давлатчилик тарихи ҳамда ўзбек этногенезини ўрганиш дастури, шунингдек, академик Яхё Ғуломов номидagi «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг иши тўғрисида маърузалар тингланди.

Кенгашда Президентнинг Давлат мақолатчи-си Т. Рисқиев қатнашди. (ЎзА)

ОШКОРА МУЛОҚОТ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Миллий ахборот маркази вазириликлар, кўмиталар, корпорация, компания ва идоралар раҳбарлари билан очик мулоқотлар ўтказиши анъанавий тус олмоқда. Ушбу ҳафтада бундай учрашув «Ўзбекистонда демократизация ва инновация раҳбарлари билан бўлиб ўтган. Кеча ана шундай мулоқот Коммунал хизмат кўрсатиш вазири раҳбарлари билан бўлди.

Учрашувни жамғарма раиси Аҳмаджон Мелибоев қисқача кириш сўзи билан бошлаб берди. Сўнгра вазир В. Михайлов журналистларга ислохотлар, соҳа янгиликлари, қўлга киритилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ҳақида гапирди.

Маълумки, коммунал хизмат кўрсатиш ижтимоий муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади ва унинг фаолияти аҳолининг биринчи даражали эҳтиёжларини қондириш, халқ ҳужалиги учун зарур хизматлар кўрсатишга қаратилган. Айни пайтда ушбу муҳим соҳада 120 мингдан

зиёд киши меҳнат қилади. Мамлакат халқ ҳужалиги ҳамда аҳоли учун етказиб берилаётган табиий ва суолтирилган газнинг деярли ҳаммаси, коммунал сув таъминоти ва оқавалар чиқаришнинг 80 фоиздан ортигини, иссиқлик таъминотининг салкам 90 фоизини ушбу тизим жамоалари амалга ошироқдалар. Масалан, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида вазирилик бўйича бажарилган ишлар, кўрсатиш хизмат ва чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 50 миллиард сўмни ташкил этди. Аҳолига салкам 6 миллиард сўмлик хизмат кўрса-

тилди.

Лекин ҳали тармоқда жуда кўп муаммолар мавжудки, улар ечимини топиш, аҳолига хизмат кўрсатишни талаблар даражасида ташкил этиш бирмунча суст кечмоқда. Шу боис турли идораларга, жумладан, оммавий ахборот воситаларига ҳам тармоқ идоралари фаолиятдан қўллаб-қувватлаш мақсулоти келиб турибди. Учрашувда журналистлар берган саволлар ҳам асосан ана шу камчиликлар хусусида бўлди. Вазир В. Михайлов, ҳамда вазир ўринбосарлари О. Ҳайдаров, Қ. Қосимов уларга батафсил жавоб қайтардилар.

Учрашув сўнггида вазир ушбу ошкора мулоқотдан қониқтириш хосил қилганлиги ва бундай амалий учрашувларни тез-тез ўтказиш турли фойдалан ҳоли эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Ўз мухбиримиз.

Табиат мўъжизаси МИНГ ЁШДАН ОШГАН ОШАН ДАРАХТ

Самарқанд вилоятининг олис Тим қишлоғида ўтмиш аждодлардан мерос бўлиб қолган табиат мўъжизаси сарв (биота) дарахти ҳамон виқор билан ўсмоқда. Тахминий маълумотларга кўра, тўққизинчи асрга тааллуқли бу ноёб дарахтнинг баландлиги 38-40 метрни, тана айланаси эса 12 метрни ташкил этади. Уни мамлакатимиздаги энг кекса дарахт деган фаразлар ҳам мавжуд. Тим қишлоғи аҳолиси «бобо дарахт»ни асраб-авайлаб парвартиш қилаётганининг боиси ҳам балки шундайдур.

Х. ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-техник институтининг жамоаси қон препаратлари шехининг соғиб раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Рауф АЛИМУХАММЕДОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чўқур тазия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚЎЙИШ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ. гематология ва трансфузиология мутахассислиги бўйича клиник ординатурага (3 та ўрин) ва аспирантурага (2 та ўрин) танлов эълон қилади. Ҳужжатлар қабул қилиш муддати - эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 1 ой. Маълумот учун телефон: 78-13-04.

Ўзбекистон — Очиқ Жамият Институти Соғлиқни сақлашда янги ёндашишлар-1998 дастури бўйича танлов эълон қилади. Дастурдан мақсад — соғлиқни сақлашдаги айрим муаммоларни ечишда янги ёндашишларни қўллаб-қувватлаш. Конкурсада иштирок қилиш учун соғлиқни сақлашда мавжуд бўлган муаммоларни ечишда янги ёндашишлар ва бу соҳанинг айрим йўналишларида янги фикрлаш бўйича дастурлар тақдим қилиш лозим. Қўйидаги йўналишлар бўйича дастурлар қабул қилинади: Оналар ва болалар соғлигини сақлашда янги ёндашишлар. Ушбу танлов дастури бўйича оналар ва болаларга тиббий ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам бериш бўйича янги усуллар ва йўналишларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Аҳоли соғлигини сақлашда жамонинг ҳаракатлари. Бу дастур соғлиқни сақлашдаги айрим муаммоларни ечишда жамонинг ҳамда ҳар бир кишининг бу соҳадаги талаб ва эҳтиёжини қондиришдаги ўз ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Сил касалиши. Сил касалигининг олдини олиш ва даволашда айрим муассасаларнинг муаммоларини ечишга қаратилган янги дастурлар ва ёндашишлар. Соғлиқни сақлашда янги йўналиш берувчи қонун ва дастурлар лойиҳаси. Соғлиқни сақлаш ва тиббиётни ислоҳ қилишда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқариш ва бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда кенг жамоатчиликнинг иштирок этишини қўловчи дастурлар. Танловда кўйидагилар иштирок этиши мумкин: ҳукумат ва ноҳукумат тиббий ва нотибий, нотижорат ташкилотлар. Ўзбек (ёки рус) ва инглиз тилларида ёзилган ариза ва дастурлар — Ўзбекистон ОЖИ ваколатхонасида 1998 йил 8 сентябргача қабул қилинади. Махсус турдаги аризаларни Ўзбекистон — Очиқ Жамият Институти ваколатхонасидан, қўйидаги манзилдан олиши мумкин: 700070, Тошкент шаҳри, Ивлев кўчаси, 41-уй. Тел./факс: (3712) 40-68-54, 54-82-43, 55-61-50. Электрон почта: iskandar@osi.freenet.uz.

ТОШКЕНТ ШАҲАР БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ИДОРАЛАРИГА ХИЗМАТГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Танловда иштирок этиш учун маълумоти олий иқтисодчи ёки ҳуқуқшунос бўлган, ҳарбий хизматни ўтаган ёки захирадаги офицерлар, 30 ёшгача бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тақлиф қилинади. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Маълумотимиз: Тошкент шаҳар, Янқасарой тумани, Латифа кўчаси, 25-уй. Транспорт: 38, 57, 58, 67 - автобуслар; 16 - троллейбус; 4, 7, 9, 26 - трамвайлар; 16 - маршрут такси. Бобур парки бекати. Тошкент шаҳар божхона бошқармаси.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шогуломов, Ҳ. Ҳошимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. Рўзғатдан ўттириш тарихи № 0001. Буортма Г — 0173, 34563 нусхада босилди, ҳажми — 2 тибок, Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерларида терилди ва оператор томонидан саҳифаланди. Тяхриратда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. © МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Ҳабаотчи муҳаррир — О. Раҳимов. Ҳабаотчи — А. Жураев. Мусоҳах — Ф. Усмонов. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти—21.00 Босишга тоширилди: 21.15 1 2 3 4 5 6